«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ
№ 28

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси



## БУЛОҚ ВА ОҲУ

Билсанг, унинг макони
Етти қават ер таги.
Милт-милт қайнаб чиқади
Минг йилларнинг эртаги.

Тубида тилла балиқ
Дурларга кўмилади.
Қуёш ҳам саратон чоғ
Булоқда чўмилади.

Ундан чиққан шўх жилға
Ўз қирғоғин емирар.
Ўт, чимнинг томирлари
Булоқ сувин симирар.

Шаҳло кўз оҳу шу пайт
Келиб булоқ бўйига,
Ҳуркак қулоқ тутади
Сувнинг ширин куйига.
Қуёш қоя, тоғ-тошни
Олов ёқиб ёндирар.
Шунда оҳу булоқда
Ташналигин қондирар.
Ҳой ҳуркак дўстим, оҳу
Муздек сувдан қамроқ ич.
Сен-ла висолни ўйлаб
Яшар эдим эрта-кеч.
Яхдек сувни илитар

Менинг оташин тафтим.
Ҳовучимда ичгил сув,
Сенга тутаман кафтим.
Сени жуда севамиз
Муздек булоқ, оташ, мен
Чин дўстингман, чўчима,
Ҳузуримдан кетма сен.
Ёз ҳам ўтиб кетади
Дегунимизча ҳа-ҳу...
Роса яйрайлик уч дўст:
Камина, булоқ, оҳу.

ТЎЛҚИН.

Тошкент ҳамда Фарғона техника университетлари олимлари Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасидан шу вақтгача ҳавога чиқариб юборилаётган азот оксидлари (сариқ тутун)дан фойдали ўғит ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқдилар ва уни саноатда жорий қилиш учун тегишли лойиҳалашга киришдилар. Лекин бу иш ҳали яхши йўлга қўйилгани йўқ. Бинобарин шунга ўхшаш илмий ишланмалар тез фурсатда ҳаётга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ер шаридаги ривожланган мамлакатлар ҳудудларида экологик ҳолатнинг бундай тус олишини мутахассислар пайқаб бонг кўтарганларига анча бўлди. Бу мамлакатларда ҳар бир корхона табиатга зарарсиз фаолият кўрсатишининг таъминланиши қаттиқ назорат қилинади, бу шартларга кўнмаган корхона аввалига катта миқдордаги молиявий жазога (жарима) мустаҳид қилинади, аҳвол ўзгармаса бундай корхона тўғридан-тўғри ёпиб қўйилаверади.

Яқин орада ҳавога, сувга ва умуман табиатга зарарли моддаларни рухсат этилгандан ортиқ меъёрда чиқариб ташлаётган корхоналарга бир неча карра оширилган тўлов тўлашларини жорий қилиш зарурга ўхшайди. Бундай тўлов корхона аҳлига мукофот ва ижтимоий масалалар учун ажратилган ҳамёндан тўланиши кўзда тутилган. Бу усул корхона раҳбарларини экологик муҳитни яхшилаш учун иқтисодий мажбур этиш усулидир.



Иссиқ ёз кунида кўл бағрида ором олганга нима етсин.

Малик Нуриддинов сурати.

*Долзарб мавзу*

## Яхшиям жарима бор экан

Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 1200 тонна саноат ва маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Уларнинг 24 тоннаси эса заҳарли моддалар саналади. Корхонанинг ўзига хос томонлари борлиги сабаб 1992 йилда 12 тонна қурум ҳосил бўлди. Улар ҳеч қандай ишловдан ўтказилмай, зарарсизлантирилмай шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташланди. Ҳозир бу иш шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан таъқиқланди. Худди шундай гальваник ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган, хромлаштириш, қалайлаш жараёнида юзага келган қурумлар ҳам контейнерларда сақланади. Улар ҳозиргача 10 тоннадан ошиб кетди. Корхона ҳудудида 4900 дона ишлатилган чироқлар мавжуд. Улар эндигина «Тех-эко» кичик корхонасига қайта ишлаш учун бериб юборилди. Ҳозирда «Зенит» заводи билан шартнома тузилмоқда. Келажакда шартнома асосида ишдан чиққан чироқлар қайта тикланади.

Корхонада бошқа талайгина камчиликлар ҳам кўзга ташланади: қора металлар чиқиндиси 600, рангдор металлар чиқиндиси эса салкам 84 тоннани ташкил этади. Ёғочни қайта ишлашда ҳосил бўлган чиқиндилар (улар йилига 130 тонна) яна қайта ишланмайди, шаҳар ҳайвонот боғига бериб юборилади. Қурилиш-маиший чиқиндилар эса шаҳар ахлатхонасига чиқариб ташланади. Деталларни силлиқлашда ишлатилган эмульсия эса шаҳар канализациясига тушмоқда.

Корхонада чиқиндиларнинг ҳаракати ҳисоб-китоб қилинмаган, шунингдек чиқиндисиз технологиянинг, саноат чиқиндиларининг қайта ишлаш ва зарарсизлантириш борасидаги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмаётгани атроф-муҳитнинг яна қайта ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида эса йилига 16500 тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади. Уларнинг 3440 тоннаси эса ёғочни қайта ишлаш, резина ва бошқа чиқиндилар ҳисобланади. 60 тоннаси лак-бўёқ материаллари, 800 тоннаси қуюв саноати, гальваник қурумлар 700 тонна, қурилиш, қоғоз, маиший чиқиндилар ҳамда ахлат 630 тонна, суюқ чиқиндилар 3000 тоннани ташкил этади. Хуллас мана шу оламга татийдиган чиқиндиларнинг 6400 тоннаси ҳеч қандай қайта ишловсиз шаҳар ахлатхонасига келтириб ташланади.

Корхонада фақатгина металл, қоғоз, озиқ-овқат чиқиндиларини бир ёқлик қилиш масаласи ижобий ҳал қилинган. Улар ё қайта ишланади ёки қайта ишланувчи маҳсулот сифатида тегишли ташкилотларга топширилади.

Корхонада ҳосил бўлаётган заҳарли чиқиндилар масаласи бизни жиддий ташвишга солиб турибди. Улар кўп йиллардан бери шаҳардан ташқарига чиқариб ташланмоқда ёки сақлаш қонун-қоидаларини бузган ҳолда завод ҳовлисида сақланмоқда. Оқибатда атроф-муҳитни қайта ифлослантирувчи яна бир манба ҳосил бўлмоқда. Сўзимизнинг исботи учун биргина мисол айтсак: 8-цех ванналаридан тушган заҳарли чиқиндилар маиший чиқиндилар билан бирга усти ёпиқ ҳолда ҳовлида ётибдики натижада ер ниҳоятда ифлосланиб кетган.

Бундай мисоллар корхонанинг ҳар бир цехида топилади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак фақатгина 1982 йилда 120 тонна чиқинди ёки йиллик ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг 10 фоизигина «Технолог» кичик корхонаси ва «Композит» кооперативига топширилди холос. Бунинг устига кўплаб заҳарли, зарарли чиқиндилар шаҳар ахлатхонасига узлуксиз олиб чиқиб ташланмоқда. Яхшики самолётсозлар бир қанча йирик корхоналар билан чиқиндиларни йўқотиш хусусида шартномалар тузмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё электр аппаратлари ва Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқиндисиз технология билан ишлаш, барча турдаги ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни йўқотиш ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда.

Ҳар йили минг-минглаб пуллар фақатгина жарима тўлашнинг ўзигагина сарф бўлмоқда. Яхшиям жарима бор экан. Барча масъулиятсизлик, лоқайдлик учун тўлов тўлаб қутулиб қўяқолишади. Бу бугунчалик осон юмушдир балки. Лекин эртага-чи? Жарима тўлашдан олдин эртани ўйлайдиган одам топилармикан?

**Сергей САМОЙЛОВ,
Матлуба АЗИМОВА.**

*Нуқтаи назар*

## Муҳандислар керак

Ҳозирги кунда бутун жамиятни экологик руҳда тарбиялаш тақозо этилади. Бунинг учун боғча ва мактабдан бошлаб ёшлар онгига экологик тушунчаларни сингдириш, табиатни, сув, ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонларни муҳофаза қилиш тушунчаларини киритиш лозим. «Табиат ва инсоният фаолияти» деб номланган махсус фан жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу фанни ҳар хил кўламда боғча ва мактаблардаги болаларга тушунтирилса, бу ҳам тарбиянинг бир тури бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, бу ўринда ота-боболаримиз, аждодларимиз нон ушоғини ерга ташламаслик, сувга тупурмаслик, аҳлат, мағзавани зарарсизлантириш (ёқиш, кир ўрага тўкиш) каби бир қанча тарихий урф-одатларимиз борлигини, бундай аҳвол ўз вақтида тарбия йўли билан ҳам, эътиқод йўли билан ҳам ёшларга сингдирилганини эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Қолаверса, маҳаллаларда озодалик билан боғлиқ муаммолар ҳақида суҳбатлар уюштирилса ҳамда шу ишларга мутасаддилар белгиланса мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Ҳозирги кунда улкан ва гўзал она шаҳримиз Тошкентнинг айниқса чеккароқ қисмларида уюлган ахлат ва чиқиндилар унинг кўркини, об-ҳавосини, сувларини булғаб ётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакат ва шаҳримиз экологиясини яхшилаш борасида кейинги вақтларда анча ишлар қилинмоқда. Шулардан бири сифатида Тошкент давлат техника университети нефть ва газ факультети қошида экологик муҳандислар етиштириб чиқарувчи мутахассисликнинг очилишини кўрсатиш мумкин. Экологик муҳандислар шу соҳанинг йирик ва билимдон мутахассислари бўлишлари керак. Улар ўз билимларини ота-боболаримиз амал қилиб келган озодалик, покизалик, ҳалоллик қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил қилсалар, бу соҳанинг барқ уриши ва чексиз ривожланиши шубҳасиздир.

Жаҳон адабиёти, газета ва журналларда экологик офатнинг тўхтовсиз ўсиб бориши атом бомба зарбасидан кейин иккинчи ўринда турувчи ҳалокат билан тенг, деб ҳисобланмоқда. Шундай экан, бу соҳада фақат давлат ва жамоат арбоблари ёки фақат мутахассислар ва тегишли муҳандислар фаол иш олиб боришлари керак деб ўз-ўзимизни тинчлантиришимиз жуда нотўғри ва зарарли фикр. Республикамиз экологик ҳолатини яхшилаш иши барча катта-кичик аҳолининг иши эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

**Абдулла МАВЛОНОВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.**

*Ечимини кутаётган муаммолар*

## ҲАВО ТОЗАЛИГИ— ЧЕҲРАМИЗ НУРИ

КЎПГИНА ҳамшаҳарларимиз шаҳардан ташқарига чиқаверишда бирдан енгил нафас олиб, бир-бирларига: «Сезяпсизми, муздек шамол тегди-я», деб қўйишади. Чиндан ҳам ҳар куни шундай ҳолатга ўзим ҳам дуч келаман: Тошкент Ҳалқа йўлидан ўтишим билан димоғимга енгил, кишига ором берувчи ҳаво урилади. Бу бежиз эмас.

Барчага маълумки, Тошкентда саноатимизнинг қудратли корхоналаридан бир қанчаси тўпланган. Уларнинг ҳатто осмонга ҳам ваҳима солиб турувчи улкан тутун қувурлари кишиларимиз дилини ғаш қилгани-қилган. Айниқса «Миконд», керамзит, «Ўзбексельмаш», лак-бўёқ заводлари, «Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмалари гоҳ саҳарда, гоҳ кечга яқин шаҳримиз осмони узра сунъий булутлар ҳосил қилади, яъни қуюқ тутунлар чиқаради.

Завод бўлгандан кейин тутун чиқаради-да, дейдиган одамлар топилади. Ҳамма гап мана шунда. Кечаю кундуз табиатни сақлаш борасида меҳнат қилаётганлар атроф-муҳитнинг ниҳоятда ифлосланиб кетаётганидан ташвишдалар. Кўчаларда бурқсиб кўтариладиган чанг-ку майли. Энди заводлардан «совға» қилинаётган тутунлар ортиқча бўлади албатта.

Кўпчилик шаҳарда, айниқса, тушдан кейин нафас олишнинг қийинлиги ҳақида зорланиб гапиради. Табиий муҳитнинг ифлосланишини кузатиш марказининг экологик бюллетени таъкидлашича доимий кузатув жойларидан олинган маълумотлар бўйича (14 фоиз) азот қўш оксиди, фенол (4 фоиз), карбон оксиди (3 фоиз) йўл қўйилган меъёрий миқдордан юқори бўлади. Бу ҳолатлар айниқса, Собир Раҳимов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларида сезилади. Ҳатто юқорида тилга олганимиз миқдор 4—6 фоизга кўпайиб кетиши ҳам мумкин.

Нега шундай бўляпти? Ахир ҳавонинг ифлосланиши ўзидан-ўзи бўлиб қолмагандир? Албатта. Ҳар нарсанинг асоси бўлганидек шаҳримиз ҳавосининг ифлосланишига сабаблар талайгина.

Буюк алломамиз ибн Сино: «Агар чанг ва дуд бўлмаганда эди, одамзот минг йил яшарди» деб ёзганди. Буни қарангки, Ибн Синони ташвишга солган чанг ва дуд бизнинг ҳам ҳаётимизга таҳлика солиб турибди.

Ҳар бир мушкулотнинг олди олинади. Ҳар бир касалликнинг давоси бор. Лекин шаҳримиз табиатига зомин бўлаётган лоқайдликнинг давоси йўққа ўхшайди. Бўлмаса шаҳримиз бағрида жойлашган 400 га яқин катта-кичик корхоналарнинг раҳбарлари нафас олишмайдими? Уларга соғлиқ керакмасми? Керак албатта. Лекин лоқайдлик касаллиги масаланинг қанчалар жиддийлигини тушуниб етишларига имкон бермаётганга ўхшайди. Бўлмаса носоз ҳаво тозалагичларни, дудбўронларни, чанг юткич ускуналарни ўз вақтида созлаб қўйишган бўлардику!

Айтаверсак гап кўп. Чамаси танқид эшитавериб, дакки еявериб улар «пишиб кетишганга» ўхшайди. Ҳаттоки, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети Давлат автомобиль назорати билан биргаликда ўтказаётган «Тоза ҳаво» тадбири ҳам кутилган натижани бермаяпти.

«Кўза кунда эмас, кунида синади», дейди доно халқимиз. Ишқилиб табиат деб аталган табаррук кўза синиб қолмасин. Уни на чегалаб бўлади, на қайтадан яратиб бўлади. Яккаю ягона йўл шуки, барчамиз шаҳримиздаги ўзимиз нафас олаётган тоза ҳавони сақлашимиз учун жонбозлик кўрсатишимиз керак. Йўқса эртага биз тўлаётган жарақ-жарақ жарималар ҳам дуч келганимиз мушкулот олдида ҳеч гап бўлмай қолади.

Ҳавонинг тозалиги бизнинг чеҳрамизнинг ёрқинлиги демакдир. Чеҳраси ёрқин одам одатда ҳавоси тоза, суви мусаффо юртда яшайди. Умид қиламизки, биз ҳақимизда ҳам яқин келажакда хорижликлар шундай деб ўйлашади.

**Толиб САЪДУЛЛАЕВ.**

*Куюнчаклик билан ёзилган*

## УМРИНГИЗГА ЗОМИН БЎЛМАНГ

ИНСОН ва табиат ажралмасдир. Бу гапни деярли ҳар куни такрорлаймиз. Чиндан ҳам инсоннинг дилидаги қувончи, шодлигининг илк омили бу яшил оламдир. Табиатда яралган наботот ва ҳайвонот дунёсидаги бор дарахт ва жонзотлар инсон умрининг тиракларидир десак хато қилмаган бўламиз. Одамлар айнан шунинг учун ҳам эрта баҳордан кеч кузгача дов-дарахтларни парвариш қиладилар, гул-гиёҳларни авайлайдилар. Буни кўриш қанчалар лаззат бағишлайди.

Афсуски, одамзот дов-дарахт авайлашни ҳамиша юрак даъватила амалга оширмайди. Қоматига қараб ҳавасингиз келадиган тераклар, соя-салқин улашадиган қарағайлар, толлар кўп ҳолатларда қўлида болта тутган жоҳилнинг қурбони бўлади. Мабодо ундан нега бундай қиляпсан, деб сўрасангиз: «Ўзим экканман, меники, нима қилсам қиламан», деб жавоб беради. Албатта кимки экkan бўлса, у шу ниҳолдан фойдаланишга ҳақли. Лекин «Бир киши экиб, минг киши роҳатини кўради» деган нақлни ҳам унутмаслигимиз керак. Ўзимники деб қирқилган дарахт билан бирга биз тоза ҳаводан, гўзалликдан маҳрум бўламиз.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети доимо яшил дарахтзорларни кўпайтириш ва ҳимоя қилишни тарғиб этиб келади. Ўзбошимчалик қиладиган айрим фуқароларни эса жазолайди.

Сир эмас, саноат қудрати ошгандан ошиб боряпти. Демак яшил дарахтзорлар ҳам кўпайиб бориши керак. Бўлмаса шовқин-сурон, чанг, тутун инсонлар ҳаётига таҳлика солади. Кейинги йилларда экиш у ёқда турсин комитет билан бемаслаҳат теракларни авжи гуллаб турган пайтида кесиб ташлаш ҳоллари қайд этилди. Теракдан чиқадиган ҳид киши организмига ниҳоятда фойдалидир. Агар ҳар бир киши ўз эшиги олдидаги тераклардан 2—3 тасини кесиб ташласа қанча табиий ҳаво тозалагичлардан маҳрум бўлишимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Юқорида жазо ҳақида гапирдик. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети билан бемаслаҳат теракларни кесгани учун болалар уйи врачи Ҳ. Шерматов 3 минг сўм, Қорақамиш даҳаси, 52-уй, 1-хонада истиқомат қилувчи М. Туробова 3 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ҳаммамизга саломатлик керак, албатта. Лекин шуни унутмайликки, яшил оламни ҳимоя қилиш бу соғлиқни ҳимоя қилиш демакдир. Шаҳримизда гуллар, дов-дарахтлар, хусусан терак, тол сингари «маҳаллий» дарахтларимиз қанчалик кўп бўлса одамлар соғлиғи шунчалар яхши бўлиб боради. Чунки дарахтлар беминнат санитарлардир. Улар ҳавони мусаффо қилиб берадилар. Болта кўтаришдан олдин қилаётган ишимизнинг оқибатини ўйлаб кўрсак ёмон бўлмас эди. Ўз умримизга ўзимиз зомин бўлмайлик, азиз ҳамшаҳарлар!

**Ким ФАТТОҲОВ,
Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш давлат назоратчиси.**

## ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

ЭКОЛОГИК таълим кенг қамровли соҳа. Болаларни ёшликдан атроф-муҳит ва яшил табиат билан ошно қилиш жуда муҳимдир. Шу сабабли ҳам болалар боғчаларида экологик тарбия ишларини ташкил этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинати тасарруфидаги 7-болалар боғчасида бу борада орттирилган тажрибаларни намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Болалар масканида кичкинтойлар соғлигини мустаҳкамлашда экологик тарбия воситалари ҳам қўл келмоқда. Эрталикларда, тарбиявий соатларда болаларга экологик тарбияга доир фойдали маслаҳатлар бериб бориляпти.

Бу ерда доривор ўсимликларни парвариш қилиш бурчаги ҳам бор. Бу мўъжаз яшил майдончада кичкинтойлар қўли билан экилган доривор кўкатлар барқ уриб ўсмоқда. Ана шу шифобахш ўт-ўланлардан турли шарбатлар олиш ҳам йўлга қўйилди. Шу мақсадда алоҳида фитобар очилди. Кичкинтойлар фитобарда янги тайёрланган шарбатлардан ичиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

— Бизда «Соғлом ёшлик — бебаҳо бойлик» деган шиорга амал қилинмоқда, — дейди боғча услубчиси Д. Муҳамедова. — Боғчамиз Тошкент тўқимачилик комбинати оталиғида эмасми, турли жисмоний чиниқиш машқлари корхона шифохоналари негизида ташкил этилмоқда. Тиббий-санитария қисмнинг физиотерапия кабинетларида болалар махсус кўрикдан ўтказилади. Сув ҳавзаси ҳам болакайларнинг чиниқиш масканига айланиб қолди.

Қисқаси, боғчада соғлом ёшликни таъминлашга қаратилган ибратли тадбир ва муолажалар олиб борилмоқда. Шунинг учун мазкур даргоҳда экологик тарбияга доир орттирилган тажрибаларни бошқа болалар боғчаларига ёйиш режалаштирилмоқда. Яқинда уюштирилган болалар боғчалари тарбияланувчилари экологик тарбиясига оид семинар-кенгаш ҳам шу масканда ўтказилди.

**Озод АҲАДОВ.**

*Текширишда аён бўлди*

## Ғалати ўйин

ИЮНЬ ойида корхоналар, ташкилотларда сувни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 39 марта текшириш ишлари ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида корхона раҳбарларига 141 марта йўриқномалар берилди. Сувни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлиги учун 8 корхонанинг айрим ишлаб чиқариш бўлимларининг фаолиятини тўхтатиш бўйича комитетнинг қарори чиқарилди. Ой давомида 25 та масъул ходимга жами 227500 сўм миқдорида жарима солинди.

Маълумки, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан керакли ташкилот ва корхоналарни жалб қилган ҳолда 1990 йилда Салор ва Қорасув каналларининг санитария-экологик аҳволини яхшилаш бўйича биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Уни бажариш эса каналлар соҳилига жойлашган корхона, ташкилотларга юкланган эди. Ушбу тадбирларнинг бажарилиши бўйича 1991—1992 йиллар давомида комитет томонидан текширишлар ўтказилган эди ва зарур чоралар кўрилганди.

Яқинда яна Салор, Қорасув каналлари бўйида комитетимиз томонидан шаҳар прокуратураси, сув хўжалиги бошқармаси ходимлари билан биргаликда текшириш ўтказилди. Аниқланишича, аввал (1990 йил) белгиланган 86 тадбирдан 45 тасигина корхоналар, ташкилотлар томонидан бажарилган, 26 тасини бажариш бўйича ишлар давом этмоқда, 15 таси мутлақо бажарилмаган.

Қорасув каналининг экологик аҳволини яхшилашга доир 28 тадбирнинг ҳам 12 таси бажарилган, 6 таси бўйича ишлар давом этмоқда, 10 тасига эса ҳали «қиё» боқилмаган.

Шуни айтиш керакки, айрим корхоналар белгиланган чора-тадбирларни узоқ вақтдан бери бажармай келмоқдалар. Жумладан Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш корхонасининг ёқилғи-мой сақлаш омборхонаси, гаражи, темир-бетон заводининг ёқилғи-мой сақлаш омборхонаси, «Ўзбекистон» терини қайта ишлаш корхонасининг кимёвий моддаларини сақлаш омборхоналари, шундоққина Салор канали қирғоғида жойлашган. Қайта-қайта кўрсатмалар берилганига қарамай, уларни бошқа жойга кўчириш ишлари пайсалга солинмоқда.

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонаси, Тошкент ТЭЦи, «Таштекстильмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, 4-автобус саройи ўз оқаваларини Салор каналига ташлашмоқда. Ҳозирги кунда канал сувининг булғанишига шаҳар канализация сувларига Салор тозалаш станциясидан тушаётган оқавалар ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳар куни каналга тахминан 1,3 миллион кубометрдан ортиқ оқавалар туширилмоқда. Ваҳоланки, иншоотнинг тозалаш қуввати эса 970 минг кубометрни ташкил этади.

Қорасув канали Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси, метронинг «Чкалов» бекатидан тушаётган дренаж сувлар, қоғоз фабрикасининг ишлаб чиқариш оқаваларидан мунтазам булғанмоқда.

Текширишлар давомида қонунбузарликка йўл қўйган 25 корхонанинг 52 масъул ходимига 190 минг сўм миқдорида жарима солинди. 15 корхонанинг тегишли ишлаб чиқариш бўлимини тўхтатиб қўйиш тўғрисида комитет қарори чиқарилди.

Бир қараганда адолатли ечим, албатта. Лекин яхшилаб ўйланса, мушук-сичқон ўйини давом этаётганга ўхшайди. Комитет огоҳлантиради, жарима солади, тегишли цех ва бўлимларни ёпади, корхона эса ўз билганини қилаверади. Бундан шаҳримиз табиати зарар кўради, холос.

**Шукур ҲИДОЯТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг масъул ходими.**



Табиатнинг қудратига тасанно айтмай иложимиз йўқ. Ушбу аждарин ҳам табиат яратган.

Холмат Мирзакаримов сурати.

*Чора кўрилди*

## АҲОЛИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

ТОШКЕНТ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетига Акмал Икромов туманининг III Ўрикзор мавзеси Амир Темур маҳалласидан келган шикоят хатини «Шарқ» корхонасига қарашли терини қайта ишлаш бўлимида корхона раҳбарияти, табиатни муҳофаза қилиш комитетининг нозирлари, шикоятчилар билан биргаликда кўриб чиқилди.

Аҳолидан тушган шикоят тасдиқланди, корхона ҳовлисидаги оқава сувларни тиндириш ҳовузидан бадбўй ҳид чиқяпти. Корхонанинг иш фаолияти шу йил 5 июлдан тўхтатилди.

Корхонанинг ёнига жойлашган «Ўзбек-чолғу асбоблари» корхонасига қарашли «Жайрон» кичик корхонаси жойлашган бўлиб, унинг иш фаолияти табиатни муҳофаза қилиш қонунларига риоя қилинмаганлиги учун 5 июлда тўхтатилди. Кичик корхона раҳбарига 22.500 сўм жарима солинди.

Терини қайта ишлаб чиқариш корхонаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун 1993 йилда иш режаларини тузган ва шу кунгача бу ишлар учун 20 миллион сўм маблағ сарфлади. Оқава сув иншоотларини қурилиш ишлари эса 1993 йилнинг охирида тугалланади.

**Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети.**

